



# O'zbekiston Ovozi

№18  
2026-yil  
6-may, chorshanba  
1918-yil  
21-iyundan chiqa boshlagan



Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston\_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



# МИЛЛАТНИНГ ТИРИК ТАРИХИ

Тарих — шунчаки ўтмиш эмас, у бугунги кунимизни ёритувчи машъала, келажгимизни белгиловчи қатъиятдир. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 81 йиллиги арафасида турибмиз. Бу сана нафақат тақвимдаги байрам, балки фашизм балосига қарши курашларда ширин жонларини фидо этиб, ўзлигини ва инсониятни асраб қолган аجدодларимиз олдидаги қарз ва фарзимизни ёдга солувчи муқаддас кун.

Дарҳақиқат, фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган миллионлаб ватандошларимизнинг сўнмас хотираларини ёд

этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.  
Ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, неча-неча авлодлар ўтмасин, буюк Ғалабанинг қадр-қиммати, унинг маъно-мазмунини ва инсоният учун аҳамияти тобора юксалиб, янада чуқур англаниб бораверади.  
Бу тарихий хотирани асраш, қаҳрамонларимизни ёд этиш ва уларнинг жасоратидан ибрат олиш муқаддас бурчимиздир. Чунки хотира бор экан — миллат барҳаёт, қадриятлар бардавом, тинчлигимиз мустақкам бўлади.

► (Давоми 3-бетда)

## ПАРЛАМЕНТДА



# ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИГА ОИД ҚОНУНЛАР МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг долзарб йўналишларини қамраб олган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.  
Хусусан, муҳокамаларда меҳнат муносабатларини соддаштириш, иқтисодий барқарорликни мустақкамлаш ҳамда давлат чегаралари ва хавфсизлик масалаларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

► (Давоми 2-бетда)

## ОНАЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА НАМУНА ВА ЎРНАҚДИР

Дунё тарихи шу кунга қадар гувоҳ бўлган урушларнинг қай бирини олмайлик, ундаги бемисл ваҳшийликлар, қурбонликлар, вайронкорликлардан, энг аввало, аёллар ва болалар жабр кўрган. БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2000 йил 31 октябрда қабул қилган "Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик" тўғрисидаги резолюциясида илк бор хотин-қизлар ва болалар аҳолининг қуролли можаролардан энг кўп жабр кўрадиган қатлами экани, шунингдек, улар аниқ мақсадга йўналтирилган тажовуз ва зўравонликларга тобора кўпроқ дучор бўлаётгани ифода этилгани бежиз эмас. Мазкур резолюциядан сўнг айтилган яна бир қатор қўшимча резолюциялар ҳам қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда БМТ, унга аъзо давлатлар ва ҳамкорларнинг можаролар домида қолган хотин-қизлар эҳтиёжлари ва талаблари ҳисобга олинишини таъминлаш ҳамда барқарор тинчлик ўрнатиш борасидаги мажбуриятлари баён этилган.

► (Давоми 6-бетда)

## ДАРҒАЛАРИМИЗ

Ҳамиша ёдимизда

7

## ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

# ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ ВА АНИҚ РЕЖАЛАР

ЖОЙЛАРДА ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленум кун тартибда қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2025 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи, Жўқорғи Кенгесидаги партия фракциясининг амалга оширган ишлари бўйича ахбороти, партия кенгашининг бюджети ижроси ва келгуси йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичлар муҳокама қилинди.

► (Давоми 5-бетда)

## ПАРТИЯ ҲАЁТИ

# МАҚСАД — ҲАР БИР ЁШ ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПСИН

Давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатида ёшлар — энг устувор йўналиш. Уларга сифатли таълим бериш ва касб ўрганишга интилишларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда.  
Мамлакатимизда ҳар йили минглаб йигит-қизлар катта ва мустақил ҳаётга кириб келади. Уларнинг банд бўлиши умумдавлат аҳамиятига эга масала.

► (Давоми 4-бетда)

# ЯХШИДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛАР...

7

## ҲАМКОРИМИЗ

# "БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ:

## НАҚДСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

8

## ПАРЛАМЕНТДА

ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИГА  
ОИД ҚОНУНЛАР МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ФАХРИЙЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ  
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Фахрийларни қўллаб-қувватлаш кенг қамровли ижтимоий сиёсат бўлиб, у инсон қадрини улуғлаш, авлодлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш ва жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу жараёни фақатгина моддий ёрдам билан чеклаб бўлмайди — у бир нечта муҳим йўналишларни ўз ичига олади.

Депутатлар дастлаб "Фахрийлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Қонун лойиҳаси билан фахрийлар мақоми, тоифалари ҳамда масъул вазирилик ва идораларнинг ваколатлари белгиланмоқда. Шунингдек, фахрийларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, имтиёз ҳамда кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Лойиҳага кўра, муайян бир соҳа, тармоқ ёки касба узок йиллар мобайнида виждонан меҳнат қилиш орқали давлат ҳамда жамият эътирофига сазовор бўлган жисмоний шахсларга фахрий мақоми берилади.

Мазкур мақомни олган фуқаролар санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловларини олиш, солиқ ва пенсияга оид имтиёزلардан фойдаланиш каби бир қатор ҳуқуқларга эга бўлади.

Шунингдек, фахрийларнинг амбулатор даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиши, маданият ва кўнгилочар муассасалар (спорт, театр, моддий маданий мерос объектлари) ҳамда музейларнинг пулли хизматларидан имтиёзли фойдаланиши белгиланмоқда.

Фахрийларга бериладиган барча имтиёз ва кафолатлар қонун билан белгиланиб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада мустаҳкамланади. Фахрийларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлар тартибга солинади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ТЕХНИК ТАРТИБГА  
СОЛИШ СОҲАСИДАГИ  
ҚОНУНЧИЛИККА  
ЎЗГАРТИРИШ  
КИРИТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқликни таъминлаш ҳамда сифат ва хавфсизлик талабларини кучайтириш мақсадида қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мажлисида техник тартибга солиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий тизимни халқаро стандартларга мослаштиришни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан "Метрология



ЛОЙИҲАГА КўРА,  
МУАЙЯН БИР  
СОҲА, ТАРМОҚ  
ЁКИ КАСБДА УЗОҚ  
ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА  
ВИЖДОНАН  
МЕҲНАТ ҚИЛИШ  
ОРҚАЛИ ДАВЛАТ  
ҲАМДА ЖАМИЯТ  
ЭЪТИРОФИГА  
САЗОВОР БЎЛГАН  
ЖИСМОНИЙ  
ШАХСЛАРГА ФАХРИЙ  
МАҚОМИ БЕРИЛАДИ.

тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда "Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Лойиҳада ўлчаш воситаларини қиёслаш амалиётини босқичма-босқич верификация қилиш жараёни билан алмаштириш белгиланмоқда. Яъни, ҳар бир ўлчаш воситаси махсус талабларга қанчалик аниқ жавоб беришини янада пухта ва халқаро қоидалар асосида текшириш тизими жорий этиляпти. Ўз ўрнида, саноат тармоқларидаги ўлчаш воситаларини калибшлаш йўлга қўйилиб, махсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро амалиёт татбиқ этилмоқда.

Бундай текширувларни ўтказадиган ташкилотлар учун эса "авторизация", яъни, расман рухсат бериш тизими яратилди. Бу орқали энди ҳар қандай ташкилот эмас, балки давлат томонидан махсус талабларга жавоб берадиган ишончли ташкилотларгина ўлчаш воситаларини верификация қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Янги тартибга кўра, энди стандартлар асосан ихтиёрий бўлади. Давлат назорати ва молиявий жазоларга оид айрим нормалар бекор қилиниши орқали тадбиркорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратилади. Шу билан бирга, "корхона стандарти" тушунчаси жорий этилиб, бизнес субъектларига ўзи томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлари учун стандартлар ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Миллий стандартларни ишлаб чиқишда эса халқаро стандартларга устуворлик берилади.

Шунингдек, тадбиркорларни қийнаб келган айрим ортиқча талаблар бекор қилинади. Масалан, махсулотларни мажбурий рўйхатдан, баъзи ҳужжатларни эса қайта рўйхатдан ўтказиш талаби олиб ташланади. Жарималар ҳам хавф даражасига қараб қайта кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси билан аккредитация тизими ҳам такомиллаштирилиб, халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Бу Ўзбекистонда берилган сертификатларнинг бошқа давлатларда ҳам тан олиншига ёрдам беради. Умуман, янги қонун орқали

тизим соддалашади, шаффофлик ошади ва тадбиркорлар учун янада қўлай муҳит яратилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

НИЗОСИЗ ИШЛАРНИ  
ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБ-  
ТАОМИЛЛАРИ  
ЯНГИЛАНАДИ

Мажлисида низосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси, энг аввало, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади. У билан низосиз ишларни кўриш осонлашмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларидаги суд буйруғи тартибда кўриладиган айрим низосиз талабларга оид ишларнинг доираси қайта кўриб чиқилмоқда.

Жумладан, энди ижара тўловлари, кўп квартиралар уйларидаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қарздорликни ундириш билан боғлиқ талабларнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан кўп бўлган тақдирда суд томонидан буйруқ тартибда кўриб чиқилади. Мазкур миқдордан кам бўлган низосиз талабларга доир ишлар нотариуслар томонидан кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунда ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундирилмаган сумманинг миқдори нотариус томонидан бундай нотариал ҳаракатни амалга оширганлик учун сарфланадиган ҳақиқий харажатлар миқдorigа мувофиқлаштирилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тутилмаган нормалар суд тизими самарадорлигини ошириш, низосиз талабларни ҳал этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда нотариал хизматлар қамрови ва сифатини оширишга қаратилгани таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ  
ОРҚАЛИ НОҚОНУНИЙ  
ОЛИБ ЎТИШГА ҚАРШИ  
ЖАВОБГАРЛИК  
КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига давлат чегарасини кўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ҳужжат аҳоли тинчлиги, мамлакатимиз хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлигини мустаҳкам ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтиришга қаратилган. Қонун лойиҳаси билан давлат чегараси орқали товар-моддий бойликлар, хорижий валюта, қимматбаҳо металллар ва бошқа предметларни ноқонуний олиб, божхона назоратини четлаб ўтиш билан боғлиқ



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА  
ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ  
ОРҚАЛИ ЕР ОСТИДА  
НОҚОНУНИЙ ИНШОТЛАР  
ВА ТУННЕЛЛАР ҚУРИШ,  
ИНФРАТУЗИЛМА БАРПО  
ЭТИШ, УЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА  
МАЗКУР ФАОЛИЯТНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН  
ҲАМ АЛОҲИДА ЖИНОЙИ  
ЖАВОБГАРЛИК ЖОРИЙ  
ЭТИЛМОҚДА.

жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Хусусан, давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний қурилган иншоотлар, туннеллар ёки бошқа инфратузилмадан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний қурилган иншоотлар ва туннеллардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки давлат чегарасидан ўтиш учун ҳам жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний иншоотлар ва туннеллар қуриш, инфратузилма барпо этиш, улардан фойдаланиш ҳамда мазкур фаолиятни молиялаштириш учун ҳам алоҳида жиноий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА  
ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН  
ҲУЖЖАТЛАР РЎЙҲАТИ  
ҚИСҚАРТИРИЛМОҚДА

Депутатлар, шунингдек, меҳнат муносабатларини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда соҳада замонавий ёндашувларни жорий этишга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилишди.

Меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Муҳокамалар давомида таъкидланганидек, қонун лойиҳаси меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Хусусан, ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилмоқда. Таклиф этилаётган тартибга кўра, фуқарони ишга қабул қилишда асосан унинг шахсий идентификация рақами талаб этилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар эса харбий гувоҳнома ёхуд харбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим этиши лозим.

Шу билан бирга, меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишга киришда электрон меҳнат дафтаридадан кўчирма бериш бекор қилинмоқда. Шунингдек, электрон рақамли имзо ёки биометрик идентификация (Face ID) орқали тасдиқланган ҳужжатлар юридик жиҳатдан қўлда имзоланган ҳужжатлар билан тенглаштирилмоқда.

Қонун лойиҳасида меҳнат жараёнида таъйин ва зўравонликка қарши курашишга доир нормалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, бундай ҳолатларни тақиқлаш, уларнинг олдини олиш ва жабрланган ходимларни ҳимоя қилиш чоралари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, иш бериувчи томонидан иш ҳақи тўлаш муддати бузилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун пулли компенсация тўлаш тартиби аниқлаштирилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

# МИЛЛАТНИНГ ТИРИК ТАРИХИ



**Олимжон ЎСАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
мудофаа вазирининг  
ватанпарварлик  
тарғиботи, маънавий-маърифий  
ишлар ҳамда ёшлар масалалари  
бўйича маслаҳатчиси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Урушга кетганларнинг биргина орзуси душманни тезроқ енгиб, ғалаба билан ватанга қайтиш эди. Лекин орзулар ҳар доим ҳам ушалавермайди. Айниқса, урушда...

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида Иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат ва матонат, меҳр ва олижаноблик, инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган халқимизнинг буюк ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси билан боғлиқ муқаддас хотирани сақлаб қолиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, Масалан, 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Архивлар ўрганилиб, янги топишган маълумотлар таҳлил қилинганда эса Ўзбекистондан 1 миллион 951 минг киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Демак, 451 минг нафар юртдошларимизнинг номлари ва тақдирини шунча йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган.

Бундан ташқари, илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган, 158 мингдан кўпроги бедарак йўқолган.

Урушдан қорахат келганларга аза очилган бўлса, бедарак кетган аскарлар яқинларининг мусибати ундан ҳам оғирроқ бўлган. Улар дарағи чиқмаган аскар ўғлини, аскар турмуш ўртоғини, аскар отасини "Балки келиб қолар", дея бир умр кутган, йиллаб излашган.

Бундан ташқари, олиб борилган илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакиллариининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Илгари бу кўрсаткич 120 минг деб қайд этилар эди. Янги маълумотларга асосан Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юртдошларимиз учала даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлгани ўз тасдиғини топган, тарихий ҳақиқат юзага чиқишига олиб келди.

Шу ўринда биргина ўзбек ўғлонининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган матонати тўғрисида тўхталиб ўтсам.

Уруш бошланганда Сирожиддин Валиев ҳарбий хизматда эди.

Жанубий фронтнинг 74-ўқчи дивизияси алоҳида разведка ротасининг взвод командири, кичик лейтенант Сирожиддин Валиев топшириқларни бажариш давомида бир ўзи сон жиҳатидан кўп бўлган душман билан жанг олиб борарди.

Кейинчалик армия генерали бўлган, уруш йилларида дивизия комиссари Евдоким

Егорович Мальцев ўзининг "Синовли йиллар" китобида Сирожиддиннинг жасорати ҳақида шундай хотирлайди.

"Душман томонидан аҳоли пунктларининг доира принципи бўйича мудофааси мустаҳкам эди ва уни ёриб кириш деярли имконсиз, деб ҳисобланарди. Таянч пунктлар оралиғидаги йўллар патруль билан кўриқланарди. Шунга қарамай, Валиев разведкачилари шовқин қилмасдан соқчиларни олиб ташлаб, қишлоққа киришга муваффақ бўлди. Улар билдирмасдан фашистларнинг танклари турган колхоз ҳовлисига ёниғли аралашмаси солинган бутилкани ирғитишди. Ортга қайтаётганда ваҳима билан югуриб чиққан икки танкчини қўлга олишди. Разведкачиларимиз артиллериячиларимизга беқиёс ёрдам кўрсатишди".

Сирожиддин Валиев "Жасурлиги учун", "Жанговар хизматлари учун" медаллари билан тақдирланган. Шунингдек, у Ўзбекистондан биринчилардан бўлиб Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилади. Аммо унга Ленин ордени берилди.

Сирожиддин Валиев 1942 йилнинг 20 июнь куни Еленовка қишлоғида душман тўдаси билан жанг олиб бораётганида оғир ярадор бўлади. Бироқ сафдошларини таъқибдан қочиш учун уни қолдиришларига кўндирди ва Сирожиддин Валиев ўрмонда жон беради...

Ёзувчи Борис Горбатов ўзининг "Она тупроғимизнинг ҳар бир қаричи" номи мақоласида Сирожиддин Валиев номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

"Фарғоналик ўзбек разведкачиси Сирожиддин Валиевдан ҳам ажойиброқ жангчи бутун фронтимизда йўқ эди.

Унинг ватанида, олтин Фарғонада муздек сувлар ариқларда шилдираб оқади. Валиев бўлса менинг чанг-тўзонли ва тутун босган Донбасим учун жанг қилгани келди. Унинг ватанида шамшод тераклар остида авлодлари тинч ётибди. Сирожиддин Валиев бўлса – шахтанинг ёнидаги жангда ўлди ва шу ерда кўмилади.

Валиевни дафн қилаётганда бутун дивизия йиғлади. Таманлик темир иродали жангчилар қўз ёшларини яшира олмадилар. Подполковник йиғлади, комиссар қўз ёшларини артки. Аммо оддий граждан кийимдаги жиккакина кампир ҳаммадан кўпроқ йиғлади. Валиев унинг ўйида турган эди. Кампир уни ўзининг учинчи ўғли деб атар эди.

Кампир бизга бошқа икки йигитнинг суратини кўрсатди... Улар қаердадир ғарбий фронтда жанг қилмоқдалар. Аммо ўрта бўйли, бугдойранг, сочлари ва кўзлари тим қора ўзбек йигитини ўғлим деб айтганида, бизнинг биронтамиз ҳам ажабланмадик.

Ҳақиқатан ҳам, у кампирнинг ўғли эди, бу оташин ўзбек йигити ўғил каби, ўз онаси учун чинакамига жанг қилган йигит эди...

Биз Валиевни унутмаймиз", – деб ёзади ёзувчи Борис Горбатов.

Уруш йилларида фақат алоҳида қаҳрамонлар эмас, балки бутун халқ — ёшу қари, эркак ва аёл — Ватан ҳимояси учун бирдек сафарбар этилди. Ана шундай умумхалқ қаҳрамонлиги замирида мард ўғлонларнинг муносиб ҳиссаси бор эди.

Жумладан, 24 ёшда Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Қўчор Турдиев, генерал Собир Рахимов, Шароф Рашидов, Зебо Ғаниева, Мамадали Топиволдиев, Ахмаджон Шукуров ва бошқа кўплаб ватандошларимизнинг жасоратлари ҳам алоҳида эътирофга лойиқдир.

Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон урушида бевосита жанговар ҳаракатларда аёллар ҳам қатнашганлар. Давлат мудофаа кўмитаси урушнинг илк кунларидан бошлаб аёлларни ҳам урушга юбориш борасида бир қатор қарорлар қабул қилган.

Гарчи аввалга фронтга бориш кўнгилли бўлган бўлса-да, 1942 йил баҳоридан бошлаб ҳаракатдаги қўшин сафига аёлларни оммавий равишда сафарбар этиш бўйича бир тўхтама келингани маълум.

Ўзбекистондан 4555 нафар аёл урушда қатнашган, уларнинг орасида алоқачи, учувчи, мерган, зенитчи, тиббий ходим ва разведкачилар бор эди. Ўзбекистонлик Зебо Ғаниева ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Қайд этиш лозимки, ўша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган бутун халқимиз, шу жумладан, аёллар ва ёш қизлар "Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – Ғалаба учун!" деб яшади,



ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикаимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

Совет-олмон уруши бошланғич даврининг энг мураккаб вазифаларидан бири иқтисодийни ҳарбий изга солиш эди. Бу масъулиятли вазифани СССРнинг қарийб 40 фоиз аҳолиси истиқомат қиладиган, кўмирнинг 63 фоизи қазиб олинадиган, пўлатнинг 50 фоизи ишлаб чиқариладиган, доннинг 38 фоизи етиштириладиган, айниқса, кўпгина мудофаа корхоналари жойлашган ҳудудни фашистлар босиб олган бир пайтда ҳал қилиш керак эди.

Шу боис, Ўзбекистон уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган муҳим таянч марказларидан бирига айланди.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилди. Жумладан, кўп миллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин корхоналарда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа фурсатда ишга туширилган.

Бунинг натижасида Ўзбекистон уруш йилларида фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2 млн 318 минг дона авиабомбалар, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн дона граната, 330 мингга парашют, ҳарбий эҳтиёж учун 100 минг км дан ортиқ турли симлар, миналарни аниқлаб берувчи 4 минг 500 дона қурилмалар, 2 миллион 861 минг дона армия этиклари ҳамда 59 мингдан ортиқ отлар ва кўпгина бошқа ҳарбий анжомлар етказиб бериш имконига эга бўлди.

Бундай мисоллар буюк Ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишга қандай катта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Уша суронли йиллар ҳақида гапирганда, халқимизнинг инсонпарварлиги, бағрикенглиги тўғрисида ҳар қанча фахрлиб, гурурланиб сўз юритсак, арзийди, албатта.

Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 млн 500 минг кишини ўз яқинларидек кутиб олди. Уларнинг 250 мингдан зиёди болалар эди, уларга қарийб 150 минг кв метр ҳажмда уй-жой ажратиб берилди.

Ўзбек оилалари эвакуация қилинганлар билан бурда нони ва бошпаналарини баҳам кўрди, кўплаб етим болаларнинг ота-оналарига айланди.

Хусусан, кўпгина ўзбек оилалари иккита ва ундан ортиқ етим болаларни (Ш.Шомаҳмудовлар оиласи – 14 нафар, Ҳ.Самадовлар оиласи – 12 нафар, М.Жўраева ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан) ўз тарбияларига олдилар.

Халқимиз бу одамларга бошпана бериб, ота-онасидан жудо бўлган етим болаларни "Сен етим эмассан!" деб ўз бағрига олгани инсонпарварликнинг чинакам намунасидир.

Албатта, бу рақамлар шунчаки статистик маълумотлар эмас. Бу рақамлар бошимиздан кечирган мудҳиш уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка қақиради. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Шу ўринда, тарихий адолатнинг қарор топиши ҳар биримиз учун айниқса, бугун ҳаёт бўлган уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари чуқур маънавий куч беришини алоҳида таъкидламоқчиман.

Юқорида қайд этилганидек, уруш йилларида 158 мингдан ортиқ киши бедарак йўқолган. Бу дахшатли даражадаги катта рақам. Бунинг устига, бедарак йўқолган ҳар бир одамнинг ортида қолган яқинлари чеккан эътирозларини ҳам

тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу боис, бедарак йўқолганларни қидириш, уларнинг тақдирига аниқлик киритиш ишлари шу кунларгача ҳам тўхтагани йўқ.

Муҳтарам Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорлари билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида "Ғалаба боғи" ташкил қилинди.

"Ғалаба боғи" – халқимизнинг қаҳрамонлигини улуғлайдиган, унинг кадр-қимматини юксалтирадиган бетимсол мажмуади.

Шу ўринда "Ғалаба боғи"да уруш йилларида халқимиз кўрсатган беқиёс қаҳрамонлигини улуғлайдиган, ўзида она Ватан тимсолини мужассас этган "Матонат мадҳияси" монументи ёдгорлик мажмуаси қандайдир бадиий образ эмас, балки ҳаётимизда ҳақиқатда рўй берган тарихий воқеа – мўътабар бир инсон, зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узокни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одабийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини, инсон хотирасини қадрлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Уинстон Черчилнинг "Тарихни билмаганлар уни такрорлашга мажмуадирлар", деган гапи бор. Келажақда уруш дахшатларини такрорламаслик учун бува ва бувилар, ота-оналар ўз фарзандларини мана шундай боғ ва музейларга олиб боришлари лозимдир.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабада Ўзбекистон халқининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Айниқса, борган сари биздан узоклашаётган уруш асоратлари, уларнинг гувоҳи бўлган инсонлар хотираси, улар қўли, меҳнати билан яратилган иншоотлар, ўзлаштирилган ерлар, гуллаб-яшнаётган шаҳару қишлоқлар биз учун ҳаммиса азиз ва қадрлидир.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига мувофиқ жорий йилда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғирларининг ҳар бирига 30 миллион сўмдан бир марталиқ мукофот пули берилиши ҳар бир уруш қатнашчисига алоҳида эътиборни ҳар кун, ҳар соатда ҳис қилишларининг узвий давомидир.

Шунингдек, бу кунда уруш қатнашчилари, фронторти меҳнат фахрийлари, кексалар ва устозларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ёлғиз ва кам таъминланган фахрийларнинг турар жойларини ободонлаштириш, турли маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш режалаштирилган. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Ватан фидойиларининг хотираси ҳам улуғланади. Уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

«Бурч, жасорат, матонат!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари ташкил этилади.

Таъкидлаш лозимки, бизнинг бош мақсадимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронтортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизнинг қаҳрамонлиги ва тарихий хизматларини яна бир бор кенг жамоатчилигимизга етказиш, ёш авлодимизни ота-боболаримиз жасоратига муносиб бўлган, бугунги тинч, осойишта ҳаётни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлашга қодир, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.



# МАҚСАД – ҲАР БИР ЁШ ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПСИН

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш керакки, ёшларимиз орасида ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгилинишлар жараёнида фаол иштирок этаётганлари жуда кўп. Аммо ўқинишни битириб, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаётган, сарсон-саргардонликда юрган йигит-қизлар ҳам бор. Ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, кўмакка муҳтожлари ҳам йўқ эмас. Демак, кенг қўламли ислохотларга қарамасдан, ёшларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш борасида камчиликлар ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Халқ демократик партияси ҳар бир ёшни ўз тақдирини яхшилашга интиладиган шахс ва миллатнинг келажақдаги муваффақиятлари кафолати бўлган фуқаро сифатида кўради.

Шундан келиб чиқиб, ёшларни ўйлантираётган масалаларни партия фаоллари, мутасадди ташкилотлар ва депутатлар билан биргаликда муҳокама қилиш ва ечимини топиш мақсадида жойларда бир қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

## Жиззахда ёшлар бандлиги ҳолати таҳлил қилинди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Шу сабабдан партия депутатлик корпуси ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар ижросини худудларда мунтазам ўрганиб бормоқда. Жараёнда масъул идоралар, соҳа мутахассислари иштирокида мавжуд вазиятнинг таҳлилига бағишлаб мулоқотлар ўтказилмоқда.

Партиянинг Жиззах вилоят кенгаши томонидан "Бандлик ва меҳнат муносабатлари – ёшлар учун имкониятлар" мавзусидаги семинар ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Нуриддин Холматов ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа ва амалий ҳаракатлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Хусусан, ёшларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш ҳамда имтиёзли кредитлар асосида ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашилмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга таълим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва моддий кўмак олишда яқиндан



ёрдам берилмапти.

Ёшлар ишлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси бошлиги Муродбек Раҳмонбердиев давлат субсидиялари асосида ёшлар бандлигини таъминлаш, ғоя ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган натижалар ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб берди.

Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси масъули Акбар Файзиев "Бандлик, меҳнат муносабатлари – ёшларни иш билан таъминлашда амалга оширилган ишлар" мавзусида тақдимот қилиб, йиғилганларни ёшлар бандлиги бўйича вилоятдаги реал ҳолат билан таништирди.

Унга кўра, ўтган 2025 йил давомида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига 11 974 нафар ёшлардан бандлик масаласида муурожаат келиб тушган. Улардан 9682 нафарининг бандлиги таъминланган. Хусусан, 6963 нафари доимий иш ўринларига, 2719 нафари касб-хунар ўқув марказларига жойлаштирилган.

Семинарда вилоят ёшларининг бандлик ҳолати, меҳнат муносабатлари таҳлили ва улар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилди.

Қайд этилдики, бандлик ва меҳнат муносабатлари ёшлар ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади. Айниқса, мустакил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар учун касб танлаш ва меҳнат бозорига ўз ўрнини топиш катта аҳамиятга эга.

Халқ демократик партияси масъуллари амалга оширилаётган чора-тадбирлар муайян натижалар бераётган бўлса-да, ёшларнинг бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш

зарурлигини таъкидлашди.

Таҳлиллар ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга йўналтириш ва давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш учун ҳали олдинда талайгина вазифалар борлигини кўрсатди.

Шунинг учун партия ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда ишлаши ёшларни барқарор иш билан таъминлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадларининг ҳаётийлигига хизмат қилади.

## Андижонда битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳолати қандай?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат ижтимоий ҳаётига дахлдор ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратади. Бунда аҳоли бандлиги, ижтимоий хизматлар, кам таъминланган, ногиронлиги бор ва эхтиёжманд инсонларга яратилаётган шарт-шароитлар доимий равишда партия томонидан ўрганилиб, мавжуд имконият ва камчиликлар масъуллар ва соҳа экспертлари иштирокида таҳлил қилиб борилади.

Жумладан, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи томонидан мутахассисликка эга бўлган олий маълумотли ёшларнинг иш билан таъминлиниши, меҳнат бозори талабларига мос касбларга йўналтирилиши ва улар учун яратилган шароитлар ўрганилиб, партия гуруҳи йиғилишида муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, вилоятда давлат олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. Рақамлар битирувчиларнинг бандлик даражасида барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Аниқроғи, ҳозирга қадар давлат

олий таълим муассасаларининг 80 фоиздан ортиқ битирувчилари бандлиги таъминланган.

Вилоятда 2024-2025 ўқув йилида олий таълимни тугатган ёшларнинг бандлиги таҳлил қилинди. Масалан, Андижон давлат тиббиёт институтини жами 2012 нафар битирувчи тугатган бўлса, шундан 1825 нафари, яъни 91 фоизи, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини тугатган 1478 нафар битирувчидан 1242 нафари, яъни 84 фоизи, Андижон давлат чет тиллар институтининг 808 нафар битирувчисидан 720 нафари, яъни 89 фоизи доимий яшаш жойи бўйича иш билан таъминланган.

Бугунги кунда вилоятда битирувчиларни ишга жойлаштиришда давлат сектори устуворлик қилса-да, хусусий сектор ва ўз-ўзини банд қилиш улуши ҳам ортиб бормоқда. Лекин шу билан бирга, норасмий бандлик даражаси тахминан 15 фоизни ташкил этмоқда. Бунга асосий сабаб қилиб кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, расмий иш ўринларининг расмийлаштирилмаслиги ҳолатлари кўрсатилган.

Вилоятда битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш учун ОТМлар ҳузуридаги Карьера марказлари ва бўш иш ўринлари ярмаркалари доимий ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтига 8 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, уларда 1120 нафар битирувчи иштирок этган, натижада ёшларнинг 764 нафари, яъни 68 фоизи ишга жойлашиш имконига эга бўлган.

Таҳлилларга кўра, ёшлар бандлигига тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам институционал, ҳам ижтимоий характерда бўлиб, улар

кадрлар сифати ва меҳнат бозори шаффолиги билан боғлиқ. Битирувчиларнинг 43 фоизидан ортиқ тажрибаси етишмаслиги асосий муаммо сифатида кўрсатилган. Бундан ташқари, бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар олишда шаффофликнинг йўқлиги, ягона порталнинг мавжуд эмаслиги ва иш берувчиларнинг ташаббуссизлиги ҳам асосий омиллардан бири, деб қаралмоқда.

Йиғилишда олий таълим муассасаларидаги талабаларнинг бандлигини таъминлаш йўлида тизимли ишлар йўлга қўйилгани қайд этилди. Шу билан бирга, муаммо ва камчиликларни бартараф этишда масъуллар билан ҳамкорликда ҳаракат қилинса, малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш борасида янада каттароқ натижаларга эришиш мумкинлиги таъкидланди.

Халқ демократик партияси депутатлари битирувчиларнинг бандлиги ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлик даражасини ошириш, бу борада мониторинг жараёнларини кучайтириш, меҳнат ярмаркаларини ўтказишда расмийлаштирилган ҳолатларига чек қўйиш, ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш тенденциясини кенгайтириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мулоқот якунида ўрганиш натижалари, олиб борилган таҳлилларга таяниб, доимий мониторингни амалга ошириш бўйича партия гуруҳининг қарори қабул қилинди.

\*\*\*

Ҳақиқатан ҳам, ёшлар – мамлакат тараққиёти учун катта иқтисодий куч ва яхши имконият дегани.

Шунинг учун ёшларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор бериш, бу борадаги имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Яхшисини ошириб, ёмонини яшириб борадиган ҳисоботлар берадиган даврлар ўтди. Ҳозир ҳаммамиз амалий натижа учун ишлашимиз керак. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаб, берилган топшириқлар вақтида бажарилса, минг-минглаб ёшларимиз иш билан таъминланади, ҳаётда ўз ўрнини топади.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.

## Бир маҳалла – бир ташаббус:

# ОДАМЛАР ДАРДИГА ҚУЛОҚ ТУТАЁТГАН ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ



**Аброр ҚУРБОНОВ,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши  
раиси ўринбосари.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш ва ҳаёт сифатини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Ана шу ёндашувнинг амалий ифодаси сифатида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан "Бир маҳалла – бир ташаббус" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йил 1 февралдан амалиётга татбиқ этилди.

Мазкур лойиҳа аҳоли билан ишлашнинг мутлақо янги — манзилли, тизимли ва фуқаролар ташаббусига таянган механизмни шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унинг доирасида маҳаллалардаги ижтимоий ҳолатни чуқур ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда маҳалла еттилиги ҳамда

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Партия ташкилотлари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлар белгиланган худудларда хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан бевосита мулоқот ўрнатмоқда. Бу эса муаммоларни жойида қўриб, тезкор ва аниқ ечимлар ишлаб чиқиш имконини бермоқда. Лойиҳа доирасида жами 1040 та маҳалла қамраб олинди, 700 мингдан ортиқ оилага кириб бориш режалаштирилгани унинг кўлами кенглигидан далolat беради.

Шу билан бирга, партиянинг 208 та тумандаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли муурожаатлари билан ишлашда Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Қарийб 1200 нафар депутат томонидан сайлов округларида мунтазам сайёр қабуллар ташкил этилаётгани аҳоли билан мулоқотни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг февраль–март ойларида 728 та маҳаллада ўтказилган ўрганишлар натижасида 20 минг нафардан ортиқ фуқаро билан бевосита мулоқот қилинди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексалар яшайдиган 768 та

хонадон ўрганилиб, аниқланган 271 та муаммо жойида ҳал этилди. Қолган 389 та масала юзасидан эса тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланмоқда.

Партия фракцияси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан 210 мартаба сайёр қабуллар ўтказилиб, 7 минг нафардан ортиқ фуқаро қамраб олинди.

Лойиҳа доирасида ижтимоий масалалар билан бир қаторда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 12,8 километр ички йўللار асфальт қилиниб, яна 10,7 километр йўللар шағаллаштирилди. 29 километр масофада ичимлик суви тармоқлари янгилашиб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкониятлари кенгайтирилди. Электр таъминотини барқарорлаштириш мақсадида 10 та трансформатор ўрнатилиб, 63 та ярқосиз ҳолга келган симёғочлар алмаштирилди. Бу эса маҳаллаларда яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишида ҳам муайян натижаларга эришилди. Жумладан, 48 нафар

фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди, 36 нафар фуқарони иш билан таъминлашга кўмаклашилди. Шунингдек, 1800 нафар аҳоли бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган амалий чоралар қўрилди.

Долзарб масалаларни ҳар томонлама қўриб чиқиш ва уларга барқарор ечимлар топиш мақсадида партия фракцияси, маҳаллий Кенгаш депутатлари, мутасадди ташкилотлар ҳамда экспертлар иштирокида 15 мартаба жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди. Бу каби очиқ мулоқотлар орқали муаммоларни аниқлаш ва уларни тизимли ҳал этишга қаратилган институционал механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Бир маҳалла – бир ташаббус" лойиҳаси аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва маҳаллаларда ҳаёт сифатини ошириш мақсадлари рўёбда айни муддао бўлмоқда. Энг муҳими, ушбу ташаббус орқали фуқароларнинг дарди эшитилаётгани, уларнинг муаммолари ечим топаётгани жамиятда ишонч ва фаолликни янада мустаҳкамламоқда.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик корпуси томонидан 749 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг барчаси ижобий ҳал этилган. Шунингдек, 122 мартаба сессияларда ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилган.

Ҳисобот даврида Ҳаракат дастуридаги йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, Президентнинг фармон ва қарорларининг ижроси жамоатчилик ва депутатлик назорати тартибида ўрганилган. Натижада 128 та масала партия гуруҳларида муҳокама қилиниб, 128 та масала доимий комиссия йиғилишига ва 126 та масала Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилган, партия электорати манфаатларига дахлдор тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган.

Жойлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилган. Жумладан, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, туман, шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролар томонидан жами 1473 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 1441 таси, яъни 97 фоизи партия масъул ходимлари ҳамда депутатларимиз иштирокида ижобий ҳал қилинган. Бу эса аҳоли билан ишлаш самарадорлиги сезиларли даражада ошганини кўрсатади.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан пленум аъзолари, депутатлар, партия туман кенгашлари раислари ўз фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини билдирди.

Пленумда қайд этилган камчиликлар ҳар бир ҳудуд кесимида чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган, шунингдек, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Фракция фаолиятида қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил ишларини янада кучайтириш, қонунлар ижросини кўйи бўғиндан бошлаб тизимли назорат қилиш механизмларини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида «фракция – туман – БПТ» тизими асосида таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни илгари суриш амалиётини кучайтириш лозимлиги айтилди.

Ахборот майдонида фаолликни ошириш, долзарб масалаларга тезкор муносабат билдириш, фракция ва партия гуруҳлари ҳамкорлигида таҳлил ва муҳокама қилиш кучайтириш ҳам муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Пленум якунида кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми таҳлилий-танқидий руҳда ўтди.

Ҳисоботда қайд этилишича, жамият ҳаётида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш, аъзолар ва электорат билан ишлаш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган ўнлаб қарор қабул қилинган.

Ҳаракат дастурида белгиланган ва юрtdошларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид 54 га яқин

# ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ ВА АНИҚ РЕЖАЛАР

## ЖОЙЛАРДА ХУДУДИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА



масала сессияга киритилган. 37 та масала доимий комиссияда кўриб чиқилган бўлса, 43 та масала партия гуруҳларида муҳокама қилиниб, амалий чоралар кўрилган. Асосийси, сессия қарорлари ижроси устидан доимий назорат ўрнатилган.

Шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, унинг ижобий имижини шакллантириш мақсадида "Депутат маҳаллада", "Уйма-уй", "Сафимиздаги ёшлар", "Ижтимоий ҳимоядан – ижтимоий фаоллик сари", "Аёлларга кумак" каби лойиҳалар доирасида тарғибот тадбирлари ўтказилган. Натижада партия аъзоларининг сони 91223 нафарга етган.

Пленумда қайд этилдики, жорий йилда миллий тараққиётимизнинг устувор йўналишларини қамраб олган ҳамда "Инсон кадри учун" тамойилига асосланган давлат дастури ҳамда партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш асосий ва муҳим масала саналади. Бунинг учун камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш йўли билан ижтимоий масалаларга ечим топиш лозим.

Шундан келиб чиқиб, партиянинг кўйи бўғини фаолиятини янада жонлантириш, бошланғич ташкилотлар ишини самарали ташкил этиш зарур. Зеро, БПТлар партиянинг аҳолига энг яқин бўғини бўлиб, улардан олинган таклифлар ҳаётий ва халқчиллиги билан ажралиб туради.

Пленум кун тартибидан ўрин олган ҳар бир масала юзасидан таклифлар инobatга олинган ҳолда қарорлар қабул қилинди.

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши ҳам ҳисобот даврида олдиға қўйилган вазифаларни самарали амалға оширган, десак хато бўлмайди. Куни кеча бўлиб ўтган вилоят партия кенгашининг пленумида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти, 2026 йил учун белгиланган вазифаларни амалға ошириш масалалари атрофида

кўриб чиқилди. Маълумки, партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва устуворликлардан келиб чиқиб, депутатлик бирлашмаларининг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ишлаб чиқилган.

Таъкидландики, ушбу дастурда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини такомиллаштириш, коммунал хизматлар сифати ва нархларини тартибга солиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларга оид 3 та йўналишдан иборат 121 та устувор вазифалар қамраб олинган. Дастур ижроси юзасидан

**Зеро, БПТлар партиянинг аҳолига энг яқин бўғини бўлиб, улардан олинган таклифлар ҳаётий ва халқчиллиги билан ажралиб туради.**

ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 350 та депутатлик сўровлари юборилиб, шундан 196 таси, яъни 55 фоизи ижобий ҳал этилган. Бундан ташқари, 91 мартаба жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилган.

Худудлар кесимида Ҳаракат дастурининг ижроси юзасидан ўтказилган таҳлил Бухоро шаҳар, Когон ва Бухоро тумани кенгашлари партия гуруҳлари томонидан ишлар самарали ва тизимли ташкил этилганлигини кўрсатди.

Шунингдек, партия дастурий мақсад ва ғоялари тарғиботига қаратилган 1 241 та тадбир ўтказилиб, 52 128 нафар фуқаро қамраб олинган.

Ўтган даврда депутатлар сайлов округларидаги фаолияти давомида 215 мартаба учрашув ўтказиб, жами 403 та хонадонга ташриф буюрган. Уларда 5 590 нафар фуқаро, шу жумладан, 68

та тадбиркор билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этилган ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларининг фаолияти билан танишилган.

Пленумда амалий ташаббусларни кўпайтириш, янада самарали лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш, шунингдек, уларда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокини кучайтириш борасида таклифлар билдирилди, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг пленумида партия вилоят кенгаши аъзолари, халқ

депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шунингдек, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари иштирок этди. Пленумда партия вилоят кенгаши раиси Шохруҳ Ўктамов партия фаолиятининг устувор йўналишлари, амалға оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Партиянинг Сайловолди дастури ижроси доирасида маълум натижаларга эришилгани қайд этилди. Хусусан, ҳудудларда партиянинг сиёсий фаоллиги ошгани, депутатлик фаолияти орқали аҳоли мурожаатларини ҳал этишда муайян самарадорликка эришилгани таъкидланди.

Қайд этилдики, ҳисобот даврида Сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишларни амалға ошириш мақсадида депутатлик бирлашмалари фаолияти кучайтирилган. 815 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 675 таси (83 фоизи) ижобий ҳал

этилган. 107 мартаба ҳудудий раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилган. Шунингдек, 111 та масала партия гуруҳларида, 107 таси комиссияларда ва 108 таси маҳаллий Кенгаш сессияларида кўриб чиқилган.

Жамоатчилик қабулхоналарига 1622 та мурожаат келиб тушган бўлса, улардан 1558 таси (96 фоизи) ижобий ҳал этилган. Мурожаатларнинг асосий қисмини коммунал хизматлар, бандлик, ижтимоий ҳимоя, уй-жой ва моддий ёрдам масалалари ташкил этади.

Йиғилишда Ҳаракат дастури ижроси таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқилиб, амалға оширилган ишлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар ҳам танқидий муҳокама қилинди.

Хусусан, айрим ҳудудларда депутатлик ва жамоатчилик назорати етарли даражада ташкил этилмагани, аҳоли билан мулоқот тизимида узилишлар мавжудлиги қайд этилди.

Пленум иштирокчилари томонидан ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар илгари сурилди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзДХП Тошкент вилоят кенгаши пленуми ҳам танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилди.

Қайд этилдики, партия Сайловолди дастури ва 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижроси юзасидан мунтазам равишда ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган назорат-таҳлил ишлари олиб борилган.

Ҳисобот даврида вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан 186 мартаба депутат сўрови юборилган. Шундан 91 таси, яъни 48 фоизи ижобий ҳал этилган. Бундан ташқари, 88 мартаба жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилган.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида 119 та, доимий комиссиялар йиғилишларида 93 та масала кўриб чиқилган. Шунингдек, 51 та масала шаҳар ва туман Кенгашларининг сессияларида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган.

Бундан ташқари, 88 мартаба жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилган.

Худудлар кесимида Ҳаракат дастурининг ижроси юзасидан ўтказилган таҳлилға кўра, Юқори Чирчиқ, Пискент, Бўстонлик, Оҳангарон туман ва Оҳангарон, Чирчиқ шаҳар Кенгашлари партия гуруҳлари томонидан самарали ва тизимли ишлар ташкил этилган.

Пленумда жорий йил учун асосий вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра, депутатлик назоратини кучайтириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, партия аъзолари сонини янада кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларнинг фаоллигини рағбатлантириш, ҳудудлардаги муаммоларни тизимли ҳал этиш каби йўналишлар бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Пленум якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Ўз мухбиримиз.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

**Тарихимизда юртимиз хотин-қизлари, бизнинг оналаримиз, момоларимиз ҳам урушнинг ўта оғир жабру ситамларини бошидан кечирганини биз биламиз.**

**Хужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган. Бедарак йўқолган, концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар тўғрисида кўз юмган, ногирон бўлиб қайтганлари қанча.**

Улар ким эди? Албатта, уларнинг ҳар бири - бир онанинг ўғли, бир аёлнинг севган ёри, бир қизнинг меҳрибон отаси, бир оиланинг суюнган тоғи. Шундай катта йўқотишларда ҳам бизнинг момоларимиз, оналаримиз "Ҳамма нарса - фронт учун, ҳамма нарса - ғалаба учун!" деб яшаган, ҳаловатдан воз кечган, тиним билмай меҳнат қилган. Улкан матонат кўрсатган.

Армия учун пахтали комбинзонлар, этик ва кўнжли ботинкалар тикилаётган, вагонларда тўп-тўп газлама, тонналаб ғалла, полиз маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар жўнатилаётган кадрларни биз фақат киноларда кўрамиз. Ўзбекистон уруш йилларида фронт ортидаги мустақкам таъминот базасига айлангани тарихдан маълум. Юртимиздан жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, палатка, парашют ва бошқа зарур маҳсулотлар юборилган. Буларнинг барчасини тикиб, тайёрлаб, экиб, йиғиб-териш, бироқ ўзи емай, ўзи киймай кексалар ва болаларни ёнига олиб қуну тун асосий меҳнатни қилган хотин-қизлар бўлган.

Эркакларнинг фронтга сафарбар этилгани сабабли тракторчи, механик, токар, слесар каби касбларни ўрганиб, далага чиқиб, қишлоқ хўжалиги ишларини қўлга олганлар, уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга кўчириб келтирилган 170 дан ортиқ завод ва фабрикалар, қисқа муддатда бунёд этилган 280 та янги корхоналарда кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилганлар ҳам аёллар эди.

Уруш оқибатида етим қолган 250 мингдан зиёд болаларни бағрига босган ҳам ўзбек оилалари, бизнинг оналаримиз бўлган. 14 нафар болани ўз тарбияларига олган Шомаҳмудовлар оиласи шарафига яратилган "Сен етим эмассан" фильмидаги манзараларни ҳали-ҳануз кўзимизда ёш билан кўрамиз.

Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табаррук Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улўғ зот - онадир. Урушнинг барча азоб-ўқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир. Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали оналар юртимизда кўплаб топилди, деган эди давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокированын жасорати ҳақида сўз юритар экан. Ғалаба боғи марказида Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб мухташам ҳайкал ўрнатилгани, унга "Матонат мадҳияси" дея ном берилгани бежиз эмас. Бу ҳақда китоб ёзилди ва фильм суратга олинди, "Шон-шўхрат музейи"да махсус бурчак ташкил этилди, пойтахтдаги ёдгорликка ўхшаш ҳайкаллар вилоятларда ҳам ўрнатилди. Буларнинг барчаси уруш йилларида ўзбек аёллари кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликларга юксак



# ОНАЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА НАМУНА ВА ЎРНАҚДИР

эктиромдир. Бундай оналаримиз ва аёлларимизнинг сабр-бардоши ва матонати, севги ва садоқати, энгилмас куч-қудрати ёшларимиз, фарзандларимиз учун намуна ва ўрнақдир.

Болалигимизда қишлоғимизда уруш қатнашчилари кўп эди, кўли ёки оёғи йўқ одамлар ҳам бўларди. Биз уларнинг атрофида жам бўлиб, саволларга кўмиб ташлардик. Ҳар бирининг қонли жанглар ҳақидаги ўз ҳикояси, ўз хулосаси ва бизга айтадиган панд-насиҳати бор эди. Биз уларнинг тимсолида, энг аввало, мардлик ва жасоратни, қолаверса, урушнинг жирканч қиёфаси-ю, аянчи асоратини кўрардик.

Тўғри, бугун уруш майдонларида жангу жадалларни кўрганлар орамизда жуда кам қолди. Аммо унинг асорат ва оқибатларини, йўқчилик, очлик, урушдан кейинги машаққатли ҳаётни кўрганлар бор. Уларни йўқлаш, ўқувчилар, маҳалла ёшлари билан ҳузурларига бориб суҳбатларини олиш, уларга қулоқ тутиш, ёшидан қатъий назар, ҳар бир инсонни барча неъматларнинг, айниқса, тинчликнинг қадрига етишга ундайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманининг Ўзбекистон маҳалласида 120 ёшдан ошган Бибиҳон момо Акимниязова истиқомат қилади. Уруш йиллари

унинг отаси ва уч нафар оғаси жангга кетган. Шулардан бир оғаси тирик қайтган, лекин у ҳам жароҳатлари сабаб Узоққа бормай, вафот этган. Бибиҳон момо турмушга чиққан, аммо фарзанд кўрмаган. Ушанда дўхтирлар "Бу аёл "куйиб кетган", деган экан. Урушдан олдин ва уруш йилларидаги қийинчиликлар, ўзига суюнчи бўлган тўрт азиз инсонини йўқотиши, унинг асаби ва соғлиғига жуда ёмон таъсир қилган ва натижада бепушт бўлиб қолган. Узоқ йиллар ақинларининг қарамоғида бўлиб келган Бибиҳон момо 2025 йилда янги уйли бўлди. Маҳалла, кўни-қўшни, қариндош-уруғлар томонидан ҳашар йўли билан қурилган янги уйда ҳовли тўйи ҳам ўтказилди.

Биз Бибиҳон момони чарчатиб қўймалик учун унга ғамхўрлик қилаётган, марҳум акасининг невараси келини Гулназ Адипова билан суҳбатлашдик. Кўпроқ нималар ҳақида гапирардилар, деб савол бердик унга.

-Момомиз уруш йилларидаги қийинчиликлар ҳақида кўп гапирди. Кун бўйи далада ишлаб келиб, кечкурун нон ёпишга ун чиқариб келиш учун тегирмонга кетардик, қишлоқда бир тегирмон бўлгани учун навбатга турардик. Тегирмондан унимизни олиб келиб, хамир қориб, нон ёпганимизча саҳар бўларди. Тонг отмай яна далага кетардик. Очлик, йўқчилик эди, деяр ҳикоя қилиб ўтиради. Нонни, овқатни исроф қилманглар, дейди. Ҳар доим уруш бўлмасин, тинчлик бўлсин, деб дуо қилади.

Худди шундай, уруш, фронт ортидаги жабру ситамларни бошидан кечирган онахонлардан яна бири Тўртқўл тумани "Тинчлик" маҳалласида яшовчи 105 ёшни қаршилаган Дурхоним Алланазарова билан суҳбатлашсангиз ҳам қалбингиз ларзага келади.

- Ҳаёт нихоятда қийин эди, - дейди Дурхоним момо. - Етишмовчилик, оч қоладиган, бир бўлак нонни бутун оила бўлиб еган пайтларимиз бўлган. Бундан ҳам ёмони деярли ҳар кўни эшитиладиган ўлим хабари эди. Менинг ҳам акам урушда вафот этган. Бу оиламиз учун жуда катта йўқотиш бўлган. Ёзнинг жазираси, қишнинг қаҳратон кунларига қарамай қишлоқ хўжалиги ишларини хотин-қизлар бажарганмиз. У кунларни эслаб туриб, шундай тинч, тўкин-сочин кунларга шукрона келтираман.

Уларнинг ҳикоялари бугунги ҳаётимизга бегона бўлса-да, ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бебаҳо

бойлигимиз бўлган тинчликни асрашда катта сабоқ бўлади. Биз бу ҳикоялардан куч-қувват оламиз. Бу тарих бизни тинчликни асраб, дўст бўлиб яшашга даъват этади.

Биз ана шундай сабр ва матонатли, Ватан тинчлиги учун жонини аямаган оналарнинг авлодларимиз. Албатта, бундан фахр ва ифтихоримиз чексиз. Лекин фақат аجدодларимиз билан фахрланиб, бу тинч ҳаётимиз қанчалик йўқотишлар, қанчадан-қанча оғир ва ситамли меҳнат эвазига келганини англамасак, қадрига етмасак, у мангу муқаррар, деб ўйлаб, бепарволик қилсак, албатта, катта хато бўлади. Аксинча, тинчлик ва осойишталик, юрт тараққиёти бардовом бўлиши учун аёл, она сифатида ақл-идрокимиз, куч-қувватимизни аямасак, уларнинг чин маънодаги давомчилари эканлигимизни исботлаймиз. Бизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз эса, энг аввало, келажагимиз бўлган ёшлар, фарзандларимиз тарбиясига эътибордан бошланади.

Дарҳақиқат, дунё яралибдики, фарзанд тарбиясида онанинг ролини ҳеч ким инкор эта олмаган. Зеро, она уни дунёга келтирган, оқ сут, меҳр бериб улғайтирган она шу узвий ришта боис улар бир-бирини нафақат жисман, балки қалбан тинглайди. Қолаверса, бугуннинг аёли юртимизда ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан беҳабар эмас. Улар ўқимишли, тадбиркор, касб-хунарли, онг-савияли ва маданиятли. Бу эса фарзанд тарбиясида янада оқилона ёндашув имконини беради. Хусусан, оилада фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтиришимиз, боғча, мактаб ва олийгоҳларга кириб боришимиз, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, фарзанд ва набираларимизнинг ўқиши, давомати масаласи, ахлоқ-одоби билан қизиқишимиз, болаларимизни билимли ва ақлли, оқни қорадан ажрата оладиган, эл-юртимизга содик, ҳаёли ва ибодли, мустақкам иродали инсонлар этиб тарбиялаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим.

Мухими, шу мусаффо осмон остида, жаннатмонанд Ватанда фаровон ҳаёт кечираётганимиз, биз бахраманд бўлаётган имконият ва шароитларнинг барчаси мана шу олий неъмат-тинчлик боисидан эканини ўзимиз англаб, шукрона

# ““

**ЁРУҒ  
КЕЛАЖАГИМИЗ,  
БАХТ-  
САОДАТИМИЗ  
УЧУН ЖОНИНИ  
ФИДО ҚИЛГАН,  
НЕ-НЕ ЖАБРУ  
СИТАМ, АЗОБ-  
УҚУБАТЛАРГА  
БАРДОШ БЕРГАН  
ОНАЛАРИМИЗ  
ҲАЁТИ  
БАРЧАМИЗ УЧУН  
ЧИНАКАМ ИБРАТ  
МАКТАБИДИР.**

келтириб яшасак, бу туйғу фарзандларимизга ҳам кўчади.

Албатта, жамятда осойишталикни таъминлашда ўзаро ҳамжиҳатлик жуда муҳим. Зеро, юрт тинчлиги оила, маҳалла тинчлигидан бошланади. Қолаверса, фарзандларимизни Ватан мустақиллигини асраш, авайлаш, уни ёт кучлар ва ғоялардан ҳимоя қилишга қодир қилиб тарбиялаш ҳам, аввало, оналарнинг қўлида. Суюкли шоирамиз Зулфиянинг бундан етмиш йил муқаддам ёзган

**"Она қалби оёққа турса ўғли, сира бўлмайди уруш!"**

деган маълум ва машҳур сатрлари бугун ҳам асло ўз кучини йўқотган эмас. Она қалби оёққа турса, она тафаккури юксак ва уйғоқ бўлса, она тинчликпарвар, ватанпарвар бўлса, фарзандлар ҳам шундай бўлади.

Қолаверса, ёруғ келажагимиз, бахт-саодатимиз учун жонини фидо қилган, не-не жабру ситам, азоб-ўқубатларга бардош берган оналаримиз ҳаёти барчамиз учун чинакам ибрат мактабидир.

**Назира МАТЯҚУБОВА,  
Ўзбекистон  
Республикасида хизмат  
кўрсатган журналист.**

ДАРҒАЛАРИМИЗ

# Ҳамиша ёдимизда



Ўзбек матбуотида бир асрдан зиёд тарихга эга, улкан тажриба ва ижодий салоҳият мактаби бўлган "Ўзбекистон овози" газетасига ўз даврида миллий адабиётимиз ҳамда журналистикамизда кўзга кўринган, элга таниқли ва доврқли бўлган ижодкорларимиз бош муҳаррирлик қилган. Газетанинг ўқишли бўлиши учун тонготар меҳнати, юксак маҳорати, куч-ғайрати билан муносиб из қолдирган дарғаларимиз ҳаммиша ёдимизда.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида уларни яна бир бор эсга олдик. Хусусан, ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида адабиётимизга гулдурос овоз билан кириб келган Азим Суюн (1993-2002 йилларда "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири бўлган)нинг насрий қайирмаларини ўқувчилар билан бўлиши айти мудоао кўринди. Зотан, бундай сиймолар хотираси барҳаёт яшайди.

Азим СҮЮН  
(насрий қайирмалар)

## Хотира

Ёшинг ўтган сайин болалигинг яқин келаверади. Кечмишинг азиз ва муқаддас туюлаверади. Ҳар қалай, менда шундай.

Бобом Суюннинг олис тоғлар орасидаги сирти ҳатто лойшувоб қилинмаган ибтидоий тош кулбаси ёдимда муҳрланиб қолган. Унда менинг болагим ўтган. Айниқса, узун киш кечалари... Ўчоқда заранг, зардоли, қорабодом чўғи ловиллайди, бир чеккасида чойдиш-қумғон сокин шиғиллайди. Бобом (энам аллақачон дунёдан ўтган), мен, отамнинг ёлғиз ўкаси Тиловоқбил чўққа оёқ тоблаб ўтираимиз. Бобом еттинчи лампа ёруғида "Ҳикмат"ни ўқийди. Қариндошлар, қўшни дараларда яшовчи овчилар, йилқибоқарлар, чўпонлар, Бедил, Машраб, Ҳувайдо, Қул Хожа Аҳмад, Сўфи Оллоёр тингловчилари тез-тез бу ўчоқ бошига йиғилишиб туришади...

Мен шоирман. Болалигимнинг муқаддас бу хотираси менга қанчалик азиз, қадрдон бўлмасин, қалбимга сирли, романтик кайфият, ҳаяжон бахш этмасин, аммо бугун бобомнинг тош кулбасида яшай олмайман.

## Илм

Йигирманчи аср бошларида бобом Суюнбой Бухоронинг Мир Араб мадрасасида ўқирди. У бир ёзда қишлоғи Накуртга таътилга келди. Қарангки, Суюнбой келган куни отаси Мирзабой эл-улуснинг казо-казо пешволарини чорлаб, зиёфат бераётган экан. Меҳмонхона тўрида Нурота музофотидан келган Шайх кўр тўкиб, тасбеҳ ўғириб сўзламоқда эди. Суюнбой: "Ассалоому алайкум", – деб кириб келди. Ва бирдан... Суюнбойнинг юзи-кўзига кўзи қадалган Шайх ўрнидан туриб кетди! Мирзабой Шайхга: "Ўтиринг, ўтиринг, бу

– менинг ўғлим", – деди. Шунда Шайх:  
– Мирзабой, мени ўрнимдан сизнинг бойлигингизу молу мулк, давлатингиз турғазгани йўқ, ўғлингизнинг юзи-кўзига ёзилган илми турғазиб юборди! – деган экан.

## Бир сўз

Сахрода Хизр кетаётган экан, икки чўпон йўлиқибди. Хизр: – Бир сўз айтаман, ким бир кўй беради? – дебди. – Э, – дебди, биринчи чўпон, – ... бир сўзга ҳам бир кўйми? Мен бермайман, – деб кўйларини ўй (чуқурлик-жарлик)га ҳайдаб кетибди.

Иккинчи чўпон:  
– Мен бераман, айт, – дебди.  
Хизр айтибди:  
– Уйда эмас, қирда ёт.  
Ўша куни тун бўйи шаррос ёмғир ёғибди. Уйда ётган биринчи чўпонни бутун суруви билан сел оқизиб кетибди. Қирда ётган иккинчи чўпон ўз суруви билан омон қолибди.

## Тификлик

Онамнинг отасини – менинг бобомни уста Мамадали дер эдилар. Уста Мамадали эртаю кеч устахонасида темирчилик қиларди: ўроқ, теша, кетмон, пойтеша, белўроқ, темирқозик, узанги... кўпроқ отларга тақа ясарди. У ҳеч тиниб-тинчимасди. Бундай тиниб-тинчимаслиги қариганда баттар кучайди. Шунда ўғил-қизлари: "Ота, бўлди, шунча ишлаганингиз етар, энди Сиз ҳам бундоқ роҳат қилиб дам олинг, устахонангизни йиғиштиринг!" – дейишди бир куни йиғилиб келишиб.

Бобомнинг фиғони фалакка чиқди:  
– Мени "ўл" демокчимсизлар, ахир, ишламасам ўлиб қоламан-ку!.. – Кейин... мум тишлаб қолган фарзандларини кўриб, юмшагандек бўлиб гапини давом эттирди. – Менинг дилимни хуфтон қилаверманглар, устахонам билан ишларинг бўлмасин, ростини айтаяман, мен ишга суяниб қолганман, тирикчим – шу меҳнатимда.  
"Тирикчим – шу меҳнатимда". Мен у пайтлар бу сўзлар маъносига тушунмаганим. Бобомнинг чўкиб

кетган кўзларига жовдираб қараб турардим. Лекин бугун биламан, тунларни тонгга улаб нималарнидир қоралаганимда гоҳи ғамгин, гоҳи шодумон ҳайқиргим келади: "Тирикчим – шу меҳнатимда!"

## Нихот қадри

Отам Олим, Олимнинг отаси Суюн, Суюннинг отаси Мирзабой, Мирзабойнинг отаси Норбой. Норбойнинг энг катта ўғли Нурмуродбой мингбоши.

Ана шу Нурмуродбой ўз боғида бир қанча чорикорни ишлатаётган эди. Чорикорлардан бири "воҳ" деб юборди. Унинг бошига етиб келган Нурмуродбой ҳалиги чорикордан "Нима бўлди?" деб сўради. Чорикор деди:

– Қўлимни кесиб олдим.  
– Ҳа, – деди Нурмуродбой, – ҳечқиси йўқ, тузалиб кетади, мен бирор ниҳолни кесиб юбордингми, деб ўйлабман.

## Шагна ва жавоб

Ўғлим Оловиддиннинг оёғига тикан кирибди. Тиканни онаси олиб ташлаш учун игна билан уринар, Оловиддин эса йиғларди. Жаҳлим чиқиб кетди.

– Бобонг мулла Суюн ўн тўрт ёшида минг чавандоз қатнашаётган кўпқари ичидан улқни "Ҳайт!" деб олиб чиқиб, Муҳаммад тўқсабонинг бир ботмонлик ҳўқизини олган. Сен бобонг ёшида кўзларингдан шўрва тўкиб ўтирибсан...

Оловиддин йиғидан шартта тўхтади.  
– Ўзингиз-чи, ўзингиз, – деди у ғазаб билан, – шоир Бобур ўн икки ёшида бир юртга подшоҳ бўлган. Сиз қирқ ёшга кириб ҳам юришингизни қаранг...

## Бир кунла...

Кунлардан бир куни Абдулла Орипов қизиқ воқеани айтиб қолди:

–Бир адабий анжуманда, Навоий айтганидек, шоир юрагининг бир нуқтасида бир қушча бўлади, у доим сайраб туради, мазмунида гап бўлди. Эртаси куни бир шоир бўлмиш ишхонамга кириб келди ва "Абдуллажон, туни билан юрагимга қулоқ солиб ётдим, қуш сайрамади-ку, ҳеч эшитмадим", деди. Мен ўзимни кулгудан тиёлмадим. Юрагида қушча йўқлигини тан олиш ҳам мардлик. Аслида ҳам ўша шоирман деб юрган кимсанинг юрагида шоирлик қушчаси йўқ эди.



Абулқосим Фирдавсийнинг "Баланд сарой қуриб қилгандан обод, яхшидир бир ғариб дилин қилсанг шод" деган сатрлари бор. Бу ҳикмат замирида ўткинчи ҳаётда инсон фақат яхшилик қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга интилиши чин одамийлик эканини англатувчи буюқ ҳақиқат мужассам.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси, икки бора Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб сайланган, 1991-1998 йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари бўлиб фаолият юритган, хокисор шоира Ҳаётхон Ортиқбоева бир умр атрофидаги инсонларга яхшилик қўлини

# ЯХШИДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛАР...

чўзиб, жўшқин дарёдай яшаган, элимизнинг суюкли фарзандларидан. У ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшни қаршилар эди.

Опа ўзининг битикларида, талай туркум очерклари ва публицистик мақолаларида сирдарёликларнинг туттуларини, анорзорларини мевазорларини, шовуллаган буғдойзорларини, кўнгли булоқ сувидек мусаффо самимий кишлоқ одамларини, бунёдкор курувчиларни чўлқуварларни таърифлади. Шу боис ҳам уни сирдарёликлар суюб ардоқлади, азизу муҳтарам қилди. "Сайхун саболари", "Сирдарё мавжлари" номли шеърӣ ва насрий антологиялар ҳамда "Сирдарёдаги улғувор ўзгаришлар" номли публицистик мақолалар тўпламлари чоп этилишига бош-қош бўлди. Истеъдодли ёш ижодкорларни тарбиялашда, уларнинг асарларини нашрдан чиқариш ва тарғиб қилишда опа амалга оширган ишларнинг ўзи алоҳида мавзу.

Унинг ижодига мансуб "Феруза оқшомлар", "Кўклам эртақлари", "Ҳумолари қайтган юрт", "Не бахт бу дийдор", "Ой кўнган айвон", "Тонгларингда эсган насимман" номли шеърӣ ва насрий тўпламларни ўқувчилар катта қизиқиш билан кутиб олган.

Ҳаётхон опа Сирдарё вилоят Маънавият ва маърифат

кенгаши аъзоси ҳамда хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши аъзоси сифатида ҳаммиша халқ ичидан юриб, ўсиб келаётган авлодни она Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашда фаол бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши қошида ташкил этилган "Жамият-аёл-маънавият" мулоқот клубига раҳбарлик қилди. У ҳар бир мурожаат ва шикоятни ўз муддатида ҳал қилиб беради, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ечиш, уларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига доимий равишда ғамхўрлик қиларди.

Опа сенатор сифатида ҳам жуда кўпчиликнинг мушуқлини осон қилган, ўқсик кўнгилларга малҳам қўя олган эди. Эсимда, бир куни қабулига кекса аёл кириб келди, қўлида бир дона атиргул. Опани маҳкам бағрига босиб юзларидан ўпди, гулни тутқазаркан, "Борингизга шукр, сиз сабаб бошпанали бўлдинг, шу ёшгача ижараларда сарсон-саргардон эдим", деб йиғлади.

2020 йил 1 май куни юз берган Сардобадаги сув омбори тошқинидан маҳаллий халқ анча талофат кўрди. Ҳукуматимиз томонидан тузилган комиссия сафида Ҳаётхон Ортиқбоева ҳам бор эди ва у ўша кеча-кундузлари



ОПАНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ ДИЛИМИЗДА, ОТАШЛИ БИТИКЛАРИ ТИЛИМИЗДА ЯНГРАЙДИ. ИНСОНДАН ҚОЛАДИГАНИ ҲАМ АСЛИДА ШУ – ЯХШИ НОМ!!!

бир зум ҳам тиним билмай, юзлаб одамларнинг кўнглига йўл топди. Ўша кунлари опага бир йигит келиб конвертда пул тутқазди: "Шуни сизга журналист Дилбар Маҳмудова бериб юбордилар. Ижодкорлар кам бўлсаям чин дилдан беришган. Ўзингиз энг муҳтожларга бераркансиз" деди у.

Опанинг кўзлари қувончдан порлаганини кўрганман бу меҳрибонликдан. Конвертни очмасдан, ўша куниёқ ота-

онасиз, етим йигитни ҳузурига чақириб, унга тутқазди: "Ижод аҳлининг дуоси ижобат ва топгани ҳалол. Яхши кунларингга ишлатгин, ўғлим".

Опанинг олдига турли соҳадаги кишилар, ёшлар ва, айниқса, турмуш ташвишларидан қийналган хотин-қизлар кўп келишар, сўнг уларнинг ҳар бири опанинг қабулидан мамнун ҳамда ишонч ҳисси билан чиқиб кетар эди.

Турли ижодий учрашувларда, катта байрам тадбирларида Ҳаётхон опанинг сўзамоллигига, даврадигиларни маҳлиё этиб сўзлашига тан берганмиз. Пойтахтдан ва юртимизнинг бошқа гўшаларидан барча ижодкорлар қандай юмуш билан келмасин, албатта, опани кўриб, сўхбатини олишга интилишарди. Бир сўз билан айтганда, Ҳаётхон Ортиқбоева Сирдарёнинг ғурури, фахри эди.

Одамларга ғамхўрлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, ташкилотчилиги ва қатъиятчилиги, фидойилиги ва юксак маънавияти билан хурмат қозонган Ҳаётхон опани сирдарёликлар доимо яхшиликлари билан ёдга олишарди.

Опанинг порлоқ хотираси дилимизда, оташли битиклари тилимизда янграйди. Инсондан қоладигани ҳам аслида шу – яхши ном!!!

Норинисно ҚОСИМОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
ўюшмаси аъзоси.

## ТАҚДИМОТ

Allohu yuksalga ko'taydigan buyuk tarixda bor.  
Havva qissa a'zizdiga ulug' ajde'larim! bor.  
Havva qissa a'zizdiga ulug' ajde'larim! bor.  
70. men i. konstantin, asstb esa. havva qissa arzaydigan  
buyuk ko'ngalimiz, buyuk adabiy otimiz va  
san'atimiz ham a'zizdiga bo'ldi.

Shavkat Mirziyoyev  
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ МУЖАССАМ АСАРЛАР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир, публицист ва журналист Абдурасул Жумақуловнинг 60 йиллик юбилейи ҳамда ижодкорнинг сўнгги йилларда яратилган "Кундузги чирок" ва "Фақат сен" номли китоблари тақдими ўтказилди. Унда адабиёт ва маънавият аҳли вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, журналистлар, олимлар ҳамда ёш ижодкорлар қатнашдилар.



Эрматов ва бошқа таниқли ижодкорлар Абдурасул Жумақулов ижоди ҳақида атрафлича фикр-мулоҳазалар билдиришди. Шоирнинг ижодий изланишлари замирида Ватанга муҳаббат, инсон қадр-қиммати, ҳаётнинг мураккаб ва ранг-баранг манзараларини англашга интилиши, айниқса, публицистик макалаларида жамият ҳаётидаги долзарб муаммоларга бефарқ бўлмаган фуқаролик позицияси ёрқин намоян бўлганини алоҳида қайд этишди.

"Кундузги чирок" китоби ҳаёт ҳақиқатларини бадиий мушоҳада орқали ёритишга қаратилган бўлиб, унда инсон руҳияти, замон нафаси, кечинмалар олами ўзига хос талқинда акс этган. "Фақат сен" тўплами эса ишқ ва садоқат, меҳр ва вафо сингари абадий мавзуларни самимий оҳанг, нафис бадиий тасвирлар орқали очиб беради. Ушбу китоблар муаллиф ижодининг навбатдаги етук босқичини намоян этиши билан бирга, замонавий ўзбек адабиётининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда устоз ва шогирд анъаналари, адабиётнинг бугунги тараққиёт йўли, китобхонлик маданиятини юксалтириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди. Ижодкор шёрларидан намуналар ўқилди, ҳаёти ва ижодига бағишланган самимий фикрлар билдирилди.

Тоштемир МУРОД.

## ҲАМКОРИМИЗ

## "БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ:

## НАҚДСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА



Мамлакатимиз банк тизимидаги янги илҳотлар самараси ўлароқ аҳолига тақдир этилаётган хизматлар сони ва сифати охиб, замон талабларига ҳамоҳанг равишда тақомиллашиб бормоқда. Жумладан, Президентнинг 2025 йил 10 декабрдаги "Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида қатор ишлар амалга ошириляпти.

Миллий матбуот марказида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан "Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими – амалда" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди. Унда банк бошқаруви раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Бизнесни ривожлантириш банки томонидан нақдсиз ҳисоб-китоблар тизimini рағбатлантириш борасида қўлга киритилган амалий натижалар юзасидан батафсил маълумот тақдим этилди. Бунда асосий мақсад нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушини ошириш, "яширин иқтисодиёт" ҳажмини қисқартириш, юқори хавф мавжуд бўлган олди-сотди муносабатларида замонавий рақамли ечимларни жорий этиш, шу билан бирга, аҳоли ва бизнес субъектлари учун янада қулай, тезкор ҳамда шаффоф молиявий хизматларни яратишдан иборат экани алоҳида қайд этилди.

– Инвентаризация ва мониторинг ишлари натижасида 56 та нотариал идора қамраб олинди, улар билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатилди, – деди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Ойбек Воҳидов. – Ўтган

қисқа даврда 238 та автомобилларга ёқилғи қуйиш шохбаси мониторинг қилинди, улардан 224 таси банк миқозларига тегишли. Қолаверса, 177 та алкоғол маҳсулотлари савдо нуқтаси, 34 та тамаки маҳсулотлари савдо нуқтаси ҳамда 4 та истироҳат боғи ва болалар ўйингоҳлари фаолияти ҳам ўрганилди.

– Кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш-сотиш жараёнларида хавфсиз ҳисоб-китобларни таъминлаш мақсадида эскроу ҳисобварақлари тизими йўлга қўйилганидан хабарингиз бор, – деди Бизнесни ривожлантириш банки Чакана бизнес бўйича бош директори Умид Алимов. – 2026 йил 30 мартдан ушбу хизмат учун янги тарифлар ва комиссиялар тасдиқланиб, амалиётга таъбиқ этилди. Шунингдек, зарур бизнес жараёнлар, ариза шакллари ва намунавий шартномалар ишлаб чиқилди. Эскроу хизматларини янада қулайлаштириш мақсадида нотариуслар билан ҳамкорлик кенгайтирилди. 36 нафар нотариус шанба кун, 12 нафари эса якшанба кун хизмат кўрсатиш тизимига жалб этилди. Офис-менежерлар ва универсал кассирлар учун ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилди, нотариал идоралар ва банк тизими ўртасидаги жараёнлар тўлиқ синхронлаштирилди.

2026 йил 1 апрелдан 29 апрелга қадар бўлган даврда эскроу тизими орқали 4 минг 215 та ҳисобварақ бўйича муваффақиятли операциялар амалга оширилди. Умумий транзакция ҳажми 104,8 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, ёқилғи қуйиш шохбасларида замонавий тўлов инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ягона QR-код тизими жорий этилди. Эски терминаллар янгиларига алмаштирилди, Uzcard ва Humo карталари орқали барқарор тўловлар таъминланди. Реал вақтда хабар бериш учун махсус Телеграм-бот ишга туширилди ҳамда 24/7 техник қўллаб-қувватлаш хизматига ўтилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш мақсадида банк томонидан қатор акциялар ва бонус дастурлари ҳам олиб борилмоқда. 1 апрелдан эътиборан 20 кун давомида барча "Uzcard" ва "Humo" карталарини бепул эмиссия қилиш тизими, 25 мартдан 30 апрелга қадар янги очилган "Uzcard" ва "Humo" карталари эгалари учун "BRB TURBO" номли махсус ютуқли промо-акцияси ташкил этилди. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохбасларида янги "Humo" картаси орқали 80 минг сўмдан юқори тўлов амалга оширган миқозлар 60 минг сўмлик бир марталиқ кешбекка эга бўлдилар.

Шу билан бирга, 50 мингдан ортиқ "WELCOME" инстант карталари филиалларга етказилди ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохбасларининг ўзида "BRB" мобилъ иловаси орқали тезкор рўйхатдан ўтиш имконияти яратилди. Жойларда хизмат кўрсатишни самарали ташкил этиш учун маъсул ходимлар бириктирилиб, миқозлар оқимини тезкор қамраб олиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Ўз навбатида ушбу йўналишда ходимлар малакасини ошириш масаласи ҳам диққат марказида бўлди. Тренинглари, ўқув қўлланмалар ва ягона стандартлар жорий этилиб, назорат ва мониторинг тизими кучайтирилди. Ҳар бир объектга маъсул ходимлар бириктирилди.

Анжуман якунида банк томонидан келгусида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини янада ошириш, иқтисодий шаффофликни кучайтириш ва рақамли хизматларни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилангани таъкидланди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Т.ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



**Biznesni Rivojlantirish Banki**



# 9-MAY

XOTIRA VA QADRLASH KUNI



WWW.BRB.UZ

## Эълон

## Корхона ва ташкилотлар раҳбарларига!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия рамзи туширилган қуйидаги тарғибот воситаларини тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- 5 минг дона А6 ҳажмдаги блокнот;
- 10 минг дона полиэтилен пакет;
- 10 минг дона ручка;
- 10 минг дона оқ рангли кепка;
- 5 минг дона енгу узун оқ футболка;
- 2 минг дона бинафша рангли нимча (жилетка)

Тижорат тақлифлари 2026 йил 18 май кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:  
100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

**Изоҳ:** танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар амалга ошириладиган хизматлар бўйича қўшимча маълумотларни (71) 239-19-73 телефон рақами орқали олишлари мумкин.

## МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

## O'zbekiston Ovozi

## TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toشتهмир XUDOYQULOV

## Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 537. 4005 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.